



INTERNATIONAL EDUCATIONAL INSTITUTE
TIMESTUDY




ШЫМКЕНТ 2020

ТМД ЕЛДЕРІНІҢ МӘДЕНИ АСТАНАСЫ жобасының аясында
Под эгидой проекта КУЛЬТУРНАЯ СТОЛИЦА СНГ



Дистанционное обучение: учебно-воспитательные, научно-методические аспекты, перспективы применения цифровых технологий

Сборник трудов участников Международной научно-практической конференции педагогов и ученых средних, средних специальных и высших учебных заведений стран СНГ



Шымкент-2020



Шымкент қаласының Әдістемелік орталығы



Методический центр г.Шымкент



QAZAQ-BILIM
CENTER



«Өрлеу» Біліктілікті арттыру Ұлттық орталығы» АҚ филиалы
Түркістан облысы және Шымкент қаласы бойынша
педагогикалық қызметкерлердің біліктілігін арттыру
институты

Филиал АО «НЦПК «Өрлеу» ИПК ПР по Туркестанской
области и городу Шымкент

Дистанционное обучение: учебно- воспитательные, научно-методические аспекты, перспективы применения цифровых технологий



УДК 371.3
Д48

Рекомендовано к изданию решением совместного заседания педагогических коллективов Методического центра г.Шымкент и филиала АО «НЦПК «Өрлеу» ИПК ПР по Туркестанской области и г.Шымкент (протокол № от 30.10.2020 г.).

- 2 -

Под общей редакцией М.А.Медетбековой

Редакционная коллегия:

Искакова Л.Т., Искакова А.Т., Бекболаева Г.А., Сагиндыкова К.А., Сражиева Г.М., Арысбаева Ж.А., Фазлаева А.Р., Мамыкова Р.У., Жармаханбетов Н.С..

Рецензенты:

Саркен Р.С. – директор Северо-Казахстанского областного центра методической работы и информационных технологий в сфере образования;
Аскарлов С.К. – директор Кызылординского областного учебного центра.

Д48 **Дистанционное обучение: учебно-воспитательные, научно-методические аспекты, перспективы применения цифровых технологий: сборник трудов участников дистанционной Международной научно-практической конференции педагогов и ученых высших, средних и средних специальных учебных заведений стран СНГ / под общ. ред. М.Медетбековой. – Шымкент: Типография «Әлем». 2020. – 538 стр.**

В сборник вошли труды педагогов средних, средних специальных, а также ППС и ученых высших учебных заведений г.Шымкента, образовательных учреждений стран Содружества, дальнего зарубежья, созданные на основе их педагогических методик и научных разработок, применяемых в ходе онлайн-занятий, аналитических отчетов и других данных для обмена опытом с целью распространения передовых наработок и апробации в широкой научно-педагогической среде.

УДК 371.3
© Методический центр
Шымкент, 2020



*О достоинствах человека суди по тому,
как он начал дело, а не по тому,
как ему удалось завершить его.*

Абай, «Слова назидания», 37-ое слово.



Соорганизаторы конференции, гости и партнеры



Методический центр Управления образования г.Шымкент



«**ORLEÝ**» biliktilikti arttyrý ulttyq ortalygy» aksionerlik qoǵamynyń filialy Túrkitan oblysy jáne Shymkent qalasy boıynsha pedagogikalyq qyzmetkerlerdiń biliktiligin arttyrý instituty



Государственное Бюджетное Учреждение Дополнительного Профессионального Образования "Кузбасский региональный институт развития профессионального образования" РФ



Институт Международного Образования
TimeStudy, Чешская Республика

INTERNATIONAL EDUCATIONAL INSTITUTE
TIMESTUDY

СМИ:



Исполнительный
комитет г.Брест



Могилевский Государственный
Университет им.А.А.Кулешова



Гомельский Государственный
Университет им.Ф.Скорины



Брестский государственный
Технический университет

Северо-Казахстанский
областной центр методи-
ческой работы и информа-
ционных технологий в
сфере образования



Департамент образования, науки и молодежной политики
Воронежской области Российской Федерации



Auezov University
Shymkent qalasy, Qazaqstan



Кызылординский областной
учебный центр



Союз художников Казахстана, г.Астана

СОДЕРЖАНИЕ

Приветственные телеграммы гостей и выступления организаторов конференции **6**

Презентации зарубежных партнеров **21**

Статьи участников МНПК

Секция I.

Дистанционное обучение: учебно-воспитательные, научно-методические аспекты

- | | | |
|----------|--|-----------|
| 1 | Досова Юлия Александровна
ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ УДАЛЕННОЙ ФОРМЫ ОБУЧЕНИЯ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ COVID-19 В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ ВЫСШЕГО, СРЕДНЕГО И ДОПОЛНИТЕЛЬНОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ЧЕШСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ | 57 |
| 2 | Богданова Людмила Александровна, Шубина Наталья Павловна, Дорофеева Татьяна Павловна, Медведева Елена Викторовна
УДАЛЁННОЕ УПРАВЛЕНИЕ – ТРЕНД СОВРЕМЕННОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ТРУДА | 60 |
| 3 | Ниёзметова Роза Хасановна
АДАБИЁТ ЎҚИТИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШ | 64 |
| 4 | Козыбаев Енликхан Шарипханович, Жакаш Адилби Зубаирович
ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ДИСТАНЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ОБУЧЕНИЯ В ЮЖНО-КАЗАХСТАНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМ.М.АУЕЗОВА | 68 |
| 5 | Прокофьева Ольга Олеговна
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ГЕНЕРАТИВНОМ ОБУЧЕНИИ ДОШКОЛЬНОЙ ПЕДАГОГИКЕ | 72 |
| 6 | Аверьянова Виктория Владимировна
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРНЕТ-РЕСУРСОВ ДЛЯ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ АУДИРОВАНИЮ | 75 |

4. Перов Е. В. Доверительные отношения на производстве как инструмент управления // Социальные и экономические системы. Экономика. 2020. №5. С. 101–116. URL: https://sesjournal.ru/release/archive/journal/?SECTION_ID=36.

АДАБИЁТ ЎҚИТИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДАН ФЙДАЛАНИШ

Ниёзметова Роза Хасановна,
пед. фан. доктори, профессор.


Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети

Сўнги йилларда мамлакатимизда турли фанлар бўйича масофавий таълимни йўлга қўйиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда. Бу йўналишда сезиларли натижаларга ҳам эришилди. Айти дамда эса муайян вазият туфайли фанларни масофадан ўқитиш ҳар бир педагог учун муҳим вазифага, таълим беришнинг реал имкониятига айланди. Юртимизда шаклланган мазкур нисбатан янги йўналиш янада тезроқ ривожланиши учун хориж тажрибасини ўрганиш ва бунинг натижасида тўпланган билимларни бизнинг шароитимизга мослаштирган ҳолда қўллаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Педагог олим А.Ибраймов “Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими” номли қўлланмасида масофавий таълимга қуйидагича таъриф беради: “Масофавий таълим технологиялари — бу таълим оловчи ва педагог ходимнинг тўлиқ ёки қисман масофадан ўзаро фаолиятида асосан ахборот ва телекоммуникация технологияларини қўллаб амалга ошириладиган таълим технологиялари тушунилади”¹.

Дунё микёсида кундан кунга оммалашиб бораётган турли таълимий платформалар масофавий таълим ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Шулар жумласига кирадиган Zoom, Moodle, Canvas, Google Class, Black Board, Skype Meeting, Click Meeting, Dream Study кабиларнинг чексиз имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга, айнан иккинчи тилни ўрганишга мўлжалланган Вуки, Anki, Quizlet, Kahoot каби дастурлар ҳам борки, улар ўзининг қулайлиги, замонавий ёшларга мослиги билан мутахассисларни жалб этади.

¹ А.Е.Ибраймов. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. – Тошкент: “Lesson press”, 2020, 112 бет.



Вуки («before ёu know it» жумласининг қисқартмаси) ўрганилаётган тил ва адабиёт бўйича луғат бойлигини тезкорлик билан шакллантириш ва уни ошириб бориш учун мўлжалланган тизимдир. У муайян вақт оралиғида сўзларни такрорлаб туриш ва амалда қўллашни ўргатиш принципига асосланади. Вуки тизими ҳозирда компьютер дастури ҳамда мобиль илова шаклида мавжуд бўлиб, 70та тилни, хусусан, ўзбек тилини ҳам ўз ичига олади.

Kahoot – викторина, тест, дидактик ўйинларни яратишга мўлжалланган сервис. Kahoot ёрдамида ташкиллаштирилган дарс ёшларга айниқса хуш келади, чунки бундай машғулотда мусобақа руҳи ҳукм суради, жавоб беришда тезкорлик ва топқирликни талаб этади, аудиторияда ижобий муҳит яратади. Kahoot ёрдамида ўқув материални яратиш жуда осон, шу билан бирга, у мобиль алоқа воситалари бўлмиш смартфонлардан таълимий мақсадда фойдаланиш имконини беради.

Албатта, хориж давлатларида тил таълими турли вазият ва мақсадлардан келиб чиқиб турлича ташкиллаштирилади. Мисол учун, интенсив курсларда бирор тил ва маданият бўйича олиб бориладиган дарсларда кўпинча аутентик воситалардан, мультимедиа ресурсларидан, интегратив метод асосида ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланилади. Шу билан бир қаторда, гуруҳнинг билим савияси, ўқув вазият, мавзу кабилардан келиб чиқиб, юқорида келтирилган таълимий сервислар, платформалар ҳам қўлланилади.

Айрим платформаларда машғулот давомида оммавий иш тури, кичик гуруҳларда ишлаш, жуфтликларда ишлаш ҳамда индивидуал ишлаш тартибини жорий қилиш имкони ҳам бор. Фикримизча, қуйида берилган методларни исталган тил ва адабиёт ўқитувчиси исталган аудитория учун мослаштириши ва улардан унумли фойдаланиши мумкин.

“Jigsaw reading”². Бу метод талабаларда ўқиш, сўзлашиш ва хулоса қила олиш кўникмаларини ривожлантиришда фойдаланилади. Айниқса, қисқа ҳикоялар, матнлар ва мақолалар билан ишлашда бу усул жуда самаралидир. У қуйидагича амалга оширилади. Талабалар Breakout Rooms (гуруҳларга ажратиш) функцияси ёки бошқа функция ёрдамида икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга ҳикоянинг биринчи қисми, 2-гуруҳга ҳикоянинг 2-қисми берилди. Талабалар ўзларига берилган ҳикоянинг қисмини ўқиб, яхшилаб эслаб қолишлари керак бўлади. Сўнг ҳар бир талабага нариги гуруҳдан жуфтликлар танланади ва улар яна юқоридаги функция орқали жуфтликларга бўлинади. Ҳар бир жуфтлик бир-бирига ўқиган ҳикоясини сўзлаб беради. Иш якунида ҳар бир жуфтликда тўлиқ ҳикоя пайдо бўлади. Талабалар ҳикояни эслаб қолишлари учун айрим қайдларни амалга оширишлари мумкин. Ўйин сўнгида мавзунини мустаҳкамлаш учун савол-жавоб ҳам ўтказиш мумкин. Матн устида ишлашнинг бу турини бошқача кўринишда ҳам ташкил қилиш мумкин: биринчи гуруҳ талабаларига матн ундаги маълум сўз ёки жумлалар ўчирилган ҳолда берилди, иккинчи гуруҳ аъзоларига бутунлай бошқа сўз ва жумлалар ўчирилган ҳолда берилди. Ҳар икки гуруҳ аъзолари савол бериш йўли билан ўз матнини тўлдириб олиши керак. Айтиш жоизки, адабий мавзуларни ўрганиш жараёнида тўртта амалнинг ҳар бирини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, гапириш кўникмаларини мустаҳкамлаш учун айнан “ўқитувчи-талаба” мулоқотидан кўра баъзи пайтда “талаба-талаба” мулоқоти кўпроқ ёрдам беради. Шунинг учун “Jigsaw reading” методини қўллаётганда, ўқитувчи виртуал хоналарга бир дақиқага “кириб чиқса” ва машқ қилаётган талабаларни кўпроқ холи қолдирса, ўрганилаётган мавзу бўйича бемалол гапириш билан боғлиқ турли психологик тўсиқлар ҳам енгиб ўтилади, барча талабаларнинг виртуал хоналарда гапиришни машқ қилишлари тезкорлик билан назорат ҳам қилинади.

“Philosophical Chair”³ методи дебатга ўхшайди. Талабаларга асосий мавзу ва саволлар берилди. Улар билдирилган фикрга қўшилишлари, норози бўлишлари ёки бетараф қолишлари мумкин. Бу метод талабаларнинг бир-бирлари билан жонли мунозара ўтказишга, бир-бирларидан янги нарсалар ўрганишларига асосланган. Ҳар бир талаба марказдаги экранга чиқарилади ва у навбати билан ўз фикрларини билдиради, кейин баҳс-мунозара бошланади.

Юқорида келтирилганлар жаҳон миқёсида тил ва адабиёт таълимида қўлланиладиган айрим интернет-ресурс ва методлардир. Мамлакатимизда фаолият юритувчи тил ва адабиёт ўқитувчилари бу каби манбалардан, методлардан ижодий ҳамда унумли фойдаланиб, юртимизнинг ўқув

² Elliot Aronson. The Jigsaw Classroom. –CA, Sage view Edition, 2008.–197p.
<https://www.teachingenglish.org.uk/>

³ Қаранг: Matthew C. Haug. Philosophical Methodology: The Armchair or the Laboratory? - NYC, 2013, -480 p.

муассасаларида давлат тили таълимини, чет тиллар таълимини такомиллаштиришлари мумкин. Бунинг учун эса мавжуд восита ҳамда методларни бизнинг шароитимизга адаптация қилиш йўллари ишлаб чиқиши лозим.

Дарс жараёнида шеър, кўшиқ ва насрий асарларнинг аудио ресурсларидан фойдаланиш ҳам дарснинг жонли, қизиқарли ҳамда мазмунан бой бўлишини таъминлайди, ўқувчиларнинг эшитиб тушуниш қобилиятини ривожлантиради, ифодали ўқиш салоҳиятини оширади, эстетик (хусусан, бадий) дидини ўстиради. Қолаверса, бадий асарнинг мазмун-моҳиятини яхши тушуниб олишга ёрдам беради.

Шунингдек, компьютер таълим олувчилар нутқини ўстириш, ривожлантириш ва саводхонлигини оширишдан ташқари, уларнинг билимларини холисона баҳолашда, ўқитувчининг дарсга тайёргарлигида ва дарс жараёнида вақтни ҳамда кўрғазмали қуроллар учун сарфланадиган маблағни тежаш имконини беради. Ўқитувчи дарс давомида таълим олувчиларнинг иш фаолиятини ҳам компьютер орқали бошқариб туради. Масалан, ғазални ифодали ўқишга ўргатиш жараёнида компьютер экранда зарур матн пайдо бўлади. Аввало, таълим олувчилар ғазал матнининг ўқитувчи ёки сухандон томонидан ифодали ўқилишини электрон восита орқали тинглайдилар. Сўнгра ўқитувчи ўзи хоҳлаган ўқувчисига ғазални ўқитиб кўради ва уни эшитади. Бу жараёнда ўқитувчи унинг нутқини диктофонга ёзиб олиб, ўзига эшиттириши ҳам мумкин. Бу таълим олувчиларнинг ўз нутқидаги нуқсонларни бартараф этишига ёрдам беради. Асардан парчалар, драмаларни ролларга бўлиб ўқишда овоз ва оҳанг ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим олувчилар ўзларининг овозларини эшитгач уларни ўқиш жараёнида овоз ва оҳангнинг ўзгариши ифодаланаётган фикрни ўзгартириб юбориши мумкин эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Бу жараёнлар масофавий тизим асосида бажарилиб, ZOOM да ўтилган дарсни ёзиб олиш, университетнинг **youtube каналига** ва талабаларнинг телеграм ижтимоий тармоғидаги гуруҳларига юклаб бориш ҳам узоқ ҳудудларда яшайдиган ҳамда электрон таълим платформасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган талабаларнинг мавзуларни самарали ўзлаштириб боришларига олиб келади.

Таълим жараёнида она тили ва адабиёт фанларини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш, яъни мавзулар бўйича слайдлар тайёрлаш, электрон мултимедиа дарсликларини яратиш, электрон нусха, электрон луғат, аудиодастур, электрон виртуал кутубхона каби дастурларни қўллаш, ўқувчиларнинг интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олишини таъминлаш, видеомаруза, видеоконференцияларни ташкил этиш дарс самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Келажакда уларнинг етук мутахассислар бўлиб етишишига замин ҳозирлайди.